



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 29 май, № 104 (5524)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, республикада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун олий маълумотли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими вужудга келтирилган.

Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 214 та талаб этилаётган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 115,8 минг нафар педагог ходимлар кадрлар тайёрлашни амалга оширмоқдалар, уларнинг 90,6 фоизи олий маълумотга эга, ўқитувчи кадрларнинг 70 фоиздан кўпроги 40 ёшгача бўлган юқори малакали мутахассислардир.

Шу билан бирга, махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланишича, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларини танлаш тизимида, авваламбор, уларнинг малакаси етарли эмаслиги ҳамда қўйилаётган талабларга мувофиқ эмаслиги билан бўлган жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

Касб-хунар коллежларини ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг тегишли базавий тайёргарлигини, педагогик ва амалий иш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга ол-

масдан расмий равишда амалга оширилмоқда.

Натижада ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув жараёни тегишли даражада ташкил қилинмаган, машғулотлар асосан анъанавий мактаб таълими услубларига таянган ҳолда ўтказилмоқда. Замонавий илғор педагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет таълим жараёнига суи жорий этилмоқда. Касб-хунар коллежларини хорижий тиллардан дарс берувчи малакали мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор берилмапти.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлар таркибини педагогик иш соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган касб маҳорати юқори мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида таркиб топан тизим замон талабларига жавоб бермапти.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фирмовчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизими тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тай-

ёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар давомида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин, уларни касбий тайёргарликка эга, замонавий фирмовчи кадрлар билан таъминлашга, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Қўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 сентябрга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика ко-

миссияси (Ш. М. Мирзиев) Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда касб-хунар коллежларининг раҳбар кадрлар билан таъминланганлигини танқидий кўриб чиқсин, ушбу масалада ишларни тегишли даражада ташкил этилишини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортсин ҳамда коллежларнинг раҳбарлар таркибини етарлича педагогик иш тажрибасига эга бўлган касб жиҳатдан тайёрланган мутахассислар билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 августга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича ўрнатилган тартибга кўра, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари икки йилда бир марта, ўқитувчи кадрлар эса ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилишлари кераклиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда, икки ой муддатда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарини аттес-

тациядан ўтказиш ҳамда малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни танқидий қайта кўриб чиқсин ва ўзгартиришлар киритсин. Бунда ўқитувчилар таркибининг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши мажбурий эканлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари ("case study" услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, "амалий ўйин", интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдиротларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқсин;

чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, уч ой муддатда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилиши назарда тутилсин;

(Давоми 2-бетда).

■

Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит, айниқса, хорижий инвесторлар учун зарур шароит ва имтиёзлар яратилганлиги чет эллик ишбилармонларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқишини оширмоқда. Натижада дунёнинг кўплаб давлатларидан инвестиция жалб этилган ҳолда, йирик ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келапти. Бунга Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон — Хитой:

Ўзаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси

“UzKabel” қўшма корхонаси фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда

Чунотчи, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида алоқалар барча йўналишларда жадал ривожланмоқда. Томонлар, айниқса, энергетика, транспорт, логистика, қурилиш, телекоммуникация, савдо тармоқларида алоқаларни изчил йўлга қўймоқдалар. Мақсадларнинг муштараклиги туфайли бугунги кунга келиб, Хитой сармоялари иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони 382 тага етди. Мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатиб келаётган “UzKabel” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси шундай корхоналардан биридир.

Таъкидлаш керакки, хитойлик инвестор — “Gulf Cable Trading Company” компанияси билан ҳамкорлик ришталари боғланган, мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ҳам, ҳажми ҳам кескин кўпайди. Сабаби, инвесторлар зиммасига яқин йиллар ичида сармоя кири-

тиш эвазига ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш каби вазифалар юклатилган эди. Уларнинг ижроси юзасидан олий борилаётган ишлар самараси дастлабки йилдаёқ кўзга ташланди.

Ҳап шундаки, 2011 йилда 240 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, соф фойда 11 миллиард сўмни ташкил этди. Экспортбои маҳсулотлар ҳажми эса 50 миллион 671 минг АҚШ долларига етказилди. Янги қувватларнинг ишта туширилиши ҳисобига очилган 152 та иш ўрнига олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилди.

(Давоми 3-бетда).

«Келажак овози — 2012»

Иқтидорли, зукко ва ташаббускор ёшларни кашф этиш ҳамда рағбатлантириш келажакдаги ютуқлар пойдеворидир. Шу боис мамлакатимизда эртами эгаларининг интилиш ва изланишларига қанот бўладиган кўплаб ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Иқтидорли, зукко ва ташаббускор

Бир неча йилдирки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган “Келажак овози” танлови шундай хайрли сайё-ҳаракатлар сирасидандир.

Қуни кеча Ўрта Чирчиқ туманида мазкур танловнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган минг нафардан зиёд йигит-қизлар иштирок этди. Танловда қатнашчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик

тақлифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича билиму иқтидорларини синондан ўтказишди.

Беқободлик Отабек Тожибоев — танлов иштирокчиларидан бири. У шаҳардаги техника ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида ўқиш билан бирга, илмфан, техникавий ихтиро ва янгиликлар борасида тиним билмай изланади. Шу боис мазкур нуфузли танловда қатнашиб, маҳоратини намоён этишни истади.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, “оммавий маданият” ва унинг таҳдидини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ёшлар маънавияти ва масъулият

Унда мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-юртага муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, сўнгги йилларда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, Президентимизнинг “Юсак маънавият — энгилмас куч” ва “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китоблари, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўқиб-ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий-маърифий ва маънавий тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Олий суд пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асослари ҳар томонлама мустаҳкамлангани алоҳида таъкидланди.

Пленумда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилангани ва бу борада қатор халқаро ҳужжатлар имзоланиб, уларнинг талаблари самарали ижро этиб келинаётгани қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бугунги кунда одам савдосига, коррупцияга қарши кураш ва бола ҳуқуқлари ҳимояси каби етмишдан ортиқ конвенция ва халқаро ҳужжатларга қўшилгани ҳамда уларнинг нормалари миллий қонунчиликка имплементация қилинаётгани бунинг далилидир.

(Давоми 2-бетда).



Кеча Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012” VII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси иш бошлади.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири — қишлоқ хўжалиги жадал суриятларда ривожланмоқда. Бундай деийишимиз учун барча асослар етарли, албатта. Чунки кейинги йилларда кузатилаётган табиат инжиқликларига қарамай, пахта ва галла, мева-сабзавот ҳамда полиз экинлари ҳосилдорлиги, гўшт ва сут етиштириш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Кўргазма-савдонинг очилиш маросимида қайд этилганидек, бу истиклол йилларида қишлоқ хўжалиги тубдан ислох қилиниб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, тизимга замонавий технологиялар изчил татбиқ этилаётганининг юксак самарасидир.

Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2006 йилда ташкил этилиб, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма-савдо эса фермер ва деҳқонларнинг замонавий минитехнологиялар, ихчам ускуналар ҳамда бошқа техника воситаларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган



Замонавий технологиялар — фаровонлик гарови

муҳим бозор вазифасини ўтапти. Сабаби, унда дунёдаги етакчи компанияларнинг энг сўнгги русумидаги ускуна ва жиҳозлари, илғор технологиялари тақлиф этилади. Қишлоқ хўжалиги ходимлари улар орасидан энг мақбулларини сотиб олиш бўйича шу ернинг ўзида шартнома имзолашлари мумкин. Бунинг учун тижорат банклари, сугурта ва лизинг компаниялари хизматга шай. Натижада ўтган тадбирларда фермер хўжаликлари ва агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 32 минг-

дан ортиқ вакиллари иштирок этиб, умумий қиймати қарийб 136 миллиард сўмлик 2258 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Бунинг шарофати билан минглаб янги иш ўринлари яратилиб,

ҳам йўлга қўйилаётган бўлса, кичик корхоналар фаолияти кўлами эса йил сайин кенгайиб бораётди. Масалан, жиззахлик тадбиркор Зоҳид Омонов раҳбарлик қиладиган “Milk Food” масъулият чекланган жамият шаклидаги чорвачилик комплекси кўргазмалар асносида “Arbel” ва “Budajeer” каби хорижий компанияларнинг ускуналарини сотиб олиб, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шу тарика етиштирилаётган сутнинг тенг ярами шу ернинг ўзида қайта ишланиб, 10 хилдаги маҳсулотлар тай-

Анъанавий ўтказиб келинаётган “Uzbekistan Agrominitech Expo” кўргазма-савдоларида имзоланган шартномалар асосида жами

2258 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.

Дарҳақиқат, эндиликда фермер хўжаликларига деҳқончилик билан бирга маҳсулотни қайта ишлаш

нияларнинг ускуналарини сотиб олиб, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шу тарика етиштирилаётган сутнинг тенг ярами шу ернинг ўзида қайта ишланиб, 10 хилдаги маҳсулотлар тай-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

икки ой муддатда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг таълим жараёнига илгор педагогик ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўламда жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Вазирлик, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг ҳудудий тузилмаларининг раҳбарлари мазкур чора-тадбирлар амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тармоқ (базавий) касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илгор педагогик технологияларни эгаллашлари бўйича доимий фаолият юритадиган семинарларни ташкил қилсин.

Ушбу семинарларни ўтказиш учун мазкур технологияларни эгаллаган мутахассисларни штат асосида таълиф қилишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази вазирлик ва марказнинг мансабдор шахслари, олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари ичидан ушбу семинарларни ўтказиш учун масъул шахсларни бириктириб қўйсин, семинар ишини мунтазам назорат қилиб борсин, зарур ўқув-услубий ёрдам кўрсатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари томонидан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ва сифати устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, биттувчиларнинг касбий тайёргарлиги билан бир қаторда, уларнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни эгаллашларига, педагогик амалиётни коллежлар ва лицейларда мажбурий равишда ўтишларига алоҳида эътибор қаратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-

ҳунар таълими марказининг 2012 йил 1 сентябрдан бошлаб касб-ҳунар коллежлари ишлаб чиқариш таълими устalarининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларини, малака тоифаларига қараб, касб-ҳунар коллежлари тегишли малака тоифаларидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги мавжуд Низомга ҳамда касб-ҳунар коллежи, ишлаб чиқариш таълими устalarининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкалари микдорларига тегишли ўзгаришлар киритсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таъ-

лими маркази манфаатдор идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда, икки ой муддатда, касб-ҳунар коллежларини ўқув-амалий машғулотларни ўтказиш учун сарфланадиган материаллар ҳамда зарур хом ашё билан таъминлаш меъёрлари ва механизмини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга ихтисослашган олий таълим муассасалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти зиммасига касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ягона меъёрий-услубий базани ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилиш юзасидан бош муассаса вазифаси юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги Низомни;

ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтини тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йилги Давлат бюджетига назарда тутилган маблағлар доирасида, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти керакли меъёрий, замонавий ўқув ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаган ҳолда унинг 450 ўринли

ўқув биносини ва 150 ўринли ётоқхонасини мукаммал таъмирлаш учун бюджетдан етарли маблағлар ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида" 2005 йил 28 февралдаги Ф-2146-сон фармойиши 2-бандининг иккинчи хатбоши ва унинг 1-илловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 28 майОЛИЙ СУД
ПЛЕНУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида" ги қонунилари ҳамда кодекслари, шунингдек, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди пленумининг 1996 йил 20 декабрда қабул қилинган "Суд ҳокимияти тўғрисида" ги қўйма қарори одил судловни амалга оширишда судлар томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва халқаро шартномалар қоидаларни қўлланилишда юзага келадиган муносабатларни моддий ҳамда процессуал жиҳатдан тартибга солиди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш борасида халқаро ҳамкорлик тизими шакллантирилган. Бу борада "Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирувчи органларнинг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган. Ушбу қонунда судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирувчилар томонидан жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг процессуал тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 390-моддасида чет давлат судларининг судга

доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқ билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган.

Пленумда муҳокама этилган "Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлигини айрим масалалари тўғрисида" ги қарор лойиҳаси истикболда судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда процессуал қонун талабларининг турли қўлланилишини ва бу борада ягона амалиёт шакллантирилишини таъминлашга хизмат қилади.

Пленумда, шунингдек, "Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида" ги қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Фуқаролик-процессуал кодекси талаби асосида судлар фуқароларнинг мурожаати бўйича кўзатишган фуқаролик ишларини ҳал қилув қарори икки ажрим чиқариш йўли билан ҳал этади. Одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ҳал қилув қарори каби ажримларнинг ҳам аҳамияти катта. Пленум қарори айнан ана шу мақсадга ҳамда фуқаролик ишлари бўйича ажрим чиқариш борасида ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.Ёшлар маънавияти
ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртбошимиз шу йил 9 май кўни пойтахтимизда Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига жавоб берар экан, жумладан, "тарихий хотира — бу ур мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий халқлар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва аъналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачигидек асраш демакдир" деб алоҳида таъкидлаган эди.

Анжуманда Президентимиз томонидан баён этилган кенг қамровли вазифалар ижроси, чўнончи, миллий қадриятларимиз ва тилимизни асраб-авайлаш, миллатчилик, шовинизм, "оммавий маданият" кўринишларига қарши курашиш, байналмилал тарбияни кўчатириш, шўқроналлик хисси билан яшашга тарғиб қилиш, ёшларга ҳал қилувчи кўч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ҳуусида сўз юритилди.

Матбуот анжуманида бугунги кунда Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан аҳолининг барча қатламлари юрагига кириб борадиган, уларнинг кайфияти, руҳиятини янада кўтарадиган, амалий ишларга қорлайдиган, ёшларни диний ақидапарастлик, "оммавий маданият", гийёхандлик, турли тахдидлардан огоҳ этишга йўналтирилган тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, бунда замонавий ахборот-коммуникация, оммавий ахборот ва санъат воситаларидан мақсадли фойдаланишга устувор аҳамият бериллаётгани таъкидлаб ўтилди.

Матбуот анжуманида мавзуга доир ахборотлар ва маърузалар тингланди. Унинг доирасида тарғибот воситалари кўргазмаси ташкил этилди.

М. ҚОСИМОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, бу галги кўргазма-савдо, аввалги йилларда тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, юқори савияда ташкил этилди. Унда Австрия, Венгрия, Германия, Голландия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой, Украина, Польша, Франция, Япония ва дунёнинг бошқа давлатларидан қўллаб қўллаш компания ва фирмалар ўз маҳсулотларини таълиф этишмоқда. Улар қамрови кенг бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари-

кўчатлари етиштиришга ихтисослаштирилган "Agroexet d.o.o." компанияси вакиллари билан суҳбатлашаётган пайтда учрадик.

— Бизнинг фермер ҳўжалигимиз мева етиштиришга ихтисослаштирилган, — дейди у. — Ҳозирги кунда олма, олхўри, шафтоли дарахтларини парвартишалаймиз. Аммо уларнинг ҳосилдорлиги интенсив боғларникига нисбатан анча паст. Шу боис замонавий усулда боғ яратиш мақсадида серхосил дарахт кўчатларини харид қилмоқчимиз.

Замонавий технологиялар —
фаровонлик гарови

ни қайта ишлашга мўлжалланган ихчам линиялар, қадқолаш минитехнологиялари, чармга ишлов берувчи жиҳозлар, чорвачилик, паррандачилик, асариичилик ва бодғорчилик ускуналари, ўсимликларни химоялаш воситалари ҳамда ветеринария маҳсулотлари каби йўналишлардан иборат.

Бобёут туманидаги "Лутфулла Исма-туллаевчи" фермер ҳўжалиги раҳбари Исмаилов Мирохуровни Сербиянинг пакана ва яримпакана мева-ли дарахт

— Компаниямизда ҳар йили сиз хоҳлаган серхосил мева-ли дарахтларининг 7-8 миллион туп кўчати етиштирилади, — дейди "Agroexet d.o.o." компаниясининг бошқаруви директори Иван Терчик. — Олма, нок, олхўри, ўрик, гилос ниҳолларини дунёнинг қўллаб қўллаш-ларига экспорт қиламиз. Жумладан, ўзбекистонлик боғбонларга 2011 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар 2 миллион туп кўчат етказиб бердик. Кўргазма-савдода сиз каби қўллаб фермер-

ратиш мумкин. Чўнки қишлоқ ҳўжалигидаги бу муҳим тадбирга республика-мизнинг барча ҳудудларидан минглаб фермерлар, кичик бизнес субъектлари вакиллари таълиф этилган. Хўссусан, унинг биринчи кўнида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ мулкдорлари, пойтахтлик тадбиркорлар жалб этилди.

Кўргазма-савдо доирасида, шунингдек, хорижнинг замонавий технологиялари тақдимотлари, фермерлар учун махсус семинарлар ўтказилиши иштирокчиларнинг айна дилидаги гап бўлди. Буларнинг бари, табиийки, томонлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши, пировардидики бозорнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан янада тўлдирилишга хизмат қилади, албатта.

VII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

Р. САИДОВ.
Х. ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

«Биз — буюк юрт фарзандларимиз»

Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида
"Биз — буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида
ёшлар фестивали ўтказилди.

■ Фестиваль

Мамлакатимиз мустақиллигининг йилгига бир йиллиги олдинда вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акцияда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ҳамда қорхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ёшлар иштирок этишди.

— Тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад, — дейди "Қамолот" ЁИҲ вилоят кен-

гаши раиси Жасур Қўрбонов, — ёшларни миллий қадриятларимизга ҳўрмат ва садқот руҳида тарбиялаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, улар қалбида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда дахлдорлик туйғусини шакллантиришдан иборатдир.

Фестиваль доирасида жойларда ташкил этилган турли тадбир ва лойиҳаларда олимлар, шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар ва кино актёрлари ёшларга мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар

ва унинг халқимиз ҳамда давлатчилигимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапириб берди.

Жойларда Президент асарлари тарғиботиға бағишланган "Энг яхши тақдирот" танловини, "Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти" тарғибот лойиҳаси, "Агар мен депутат бўлсам" мавзудаги иншоолар танлови, "Ҳоким ва ёшлар", "Қамолот" қўнағари каби ўнлаб тадбирлар ташкил этилди. "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" лойиҳаси доирасида таниқли спортчилар иштирокида маҳорат сабоқлари ва ўрашувлар, ОИТС ва гийёхандликка қарши акциялар, "Алломи авлодлари" ва "Соғ танда — соғлом ақл" шиори остида турли спорт мусобақалари ўтказилди.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" лойиҳаси доирасида Меҳрибонлик уйи ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари учун тадбирлар ташкил этилди. Тадбир доирасида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ҳарбий хизматчилар оилаларидан хабар олинди.

Фестивалнинг якуний қисми Жиззах шаҳридаги "Сўғдиёна" марказий стадионида ўтказилиб, ёшлар учун гапа-концерт уюштирилди. Тадбирда мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшаётган бир қатор иқтидорли ва фаол ёшлар тақдирланди.

Ўлутбек АДИЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.Иқтидорли, зўкко
ва ташаббускор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қизичи шўндаки, Отабек яратган ишланма дала кемирувчилари ва ҳашаротларни йўқ қилишга мўлжалланган қўлай фермерлар, кичик бизнес субъектлари вакиллари таълиф этилган. Хўссусан, унинг биринчи кўнида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ мулкдорлари, пойтахтлик тадбиркорлар жалб этилди.

Кўргазма-савдо доирасида, шунингдек, хорижнинг замонавий технологиялари тақдимотлари, фермерлар учун махсус семинарлар ўтказилиши иштирокчиларнинг айна дилидаги гап бўлди. Буларнинг бари, табиийки, томонлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши, пировардидики бозорнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан янада тўлдирилишга хизмат қилади, албатта.

VII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

Кўргазма-савдо доирасида, шунингдек, хорижнинг замонавий технологиялари тақдимотлари, фермерлар учун махсус семинарлар ўтказилиши иштирокчиларнинг айна дилидаги гап бўлди. Буларнинг бари, табиийки, томонлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши, пировардидики бозорнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан янада тўлдирилишга хизмат қилади, албатта.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги Низомни;

ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтини тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йилги Давлат бюджетига назарда тутилган маблағлар доирасида, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти керакли меъёрий, замонавий ўқув ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаган ҳолда унинг 450 ўринли

поянларини мўқобил энергия билан таъминловчи "микрo-ГЭС" иншооти сингари қўллаб техник ишланма ва лойиҳаларни учратиш мумкин.

Шунингдек, танловнинг амалий санъат йўналишини бўйича ёшлар иходи ҳам ййилганларда катта қизичи уйғотди.

— Ушбу нуфузли кўрик-танловда илк бор қатнашяпман, — дейди қўрайлик ёш ҳўнарманд Дилшод Нўрмуҳаммедов. — Бўлунга қадар устозим, моҳир ганқор Шавкат Юсупов билан биргаликда "Ташаббус" кўрик-танлови ҳамда пойтахтимизда ўтказилган қатор амалий санъат кўргазмаларида иштирок этиб, совриндор бўлганмиз. У кишининг масъулияти билан "Келажак овози" танловида ҳам иқтидоримни намойён қилишга қарор қилдим. Кўргазмада ёғоч уймақорчилиги оид 50 дан ортик энг сара ижод намуналарини намойиш этилаётти. Ниятим, танлов голиблари қатаридан жой олиш ва биз, ёшлар учун яратилаётган имтиёزلардан унумли фойдаланиб, миллий ҳўнармандчилик йўналишида ўз бизнесини йўлга қўйишдир.

Танловда таниқли олимлар, ижодкорлар ва мутахассислардан иборат ҳамкамлар ҳайъати иштирокчиларнинг изланишлари ҳамда ижодий ишларига ҳолис баҳо берди. Якуний натижаларга қўра, қатнашчилар орасидан саралаб олинган 15 нафар иқтидор соҳиби беллашувнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Тотувлик ва ҳамжиҳатлик мезони

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида "Миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик — таракқиёт омили" мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

■ Ягона оила

